

Таълим Сифати Ошириш – Янги Ўзбекистон Стратегиясини Бажаришнинг Муҳим Омили

Саидахрор Саидахмедович Ғуломов

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, ЎзР. ФА академиги,

Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев,

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори,

иқтисодиёт фанлари доктори

Худайназар Хабибуллаевич Эргашев

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти доценти,

иқтисодиёт фанлари номзоди

Аннотация. Мақолада таълим сифати ошириш – Янги Ўзбекистон стратегиясини бажаришнинг муҳим омили сифатида қаралган. Бунда таълимдаги эришилган ютуқларимиз билан бирга қилиниши лозим бўлган чора-тадбирларга ҳам алоҳида тўхталган. Таълим сифатини ошириш эвазига одамларнинг илми ошади ва улар жисмоний меҳнат қилишдан кўра ақлий меҳнатга мойил бўлади. Бундай меҳнат иқтисодий-ижтимоий ҳаётимизда юқори самарадорликка эришиш имкониятини яратиши исботланган. Ушбу масалалар мазкур мақолада алоҳида йўналишлар бўйича кўрсатиб ўтилган.


Калит сўзлар. Таълим, таълим хизматлари, таълим сифати, Янги Ўзбекистон, Янги Ўзбекистон стратегиясини, мактабгача таълим, мактаб таълими, олий таълим, кантракт, супер кантракт,

Кириш. Мавзунинг долзарблиги. Муҳтарам Президентимизни ташшабуслари билан мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пайдеворининг қўйилиши ҳам, “Ўзбекистон - 2030” стратегиясида кўзда тутилган вазифаларнинг бажарилиши ҳам, Янги Ўзбекистоннинг шаклланиши ҳам пировардида илм-фаннинг ривожланиши, таълим сифати ва самарадорлигининг оширилишига боғлиқ. Бу бўйича мамлакатимизда анча ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, 1 сентябрдан тил сертификатини олишдаги ўқиш харажатлари давлат томонидан тўлаб бериладиган бўлди. 1 сентябрдан бошлаб хорижий тилларни билишнинг халқаро имтиҳон тизимларидан камида C1 ва унга тенглаштирилган даража олган ёшларнинг 6 ойгача бўлган ўқиш харажатлари қоплаб берилади. Қўшимча ўқиш харажатларини қоплаш учун БХМнинг 3 баравари — 1,02 млн сўм миқдорида бир марталик тўловлар ажратилади. Кўриниб турибдики, мазкур мавзу бугунги кунда ўта долзарб масалалар ечимига бағишланган ва илмий-назарий жиҳатдан баҳолайдиган бўлсак ҳам бу муҳим мавзулардан бири ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси. Мақолада таълим сифати ошириш – Янги Ўзбекистон стратегиясини бажаришнинг муҳим омилини ёритиш жараёнида турли методологик йўналишлардан, хусусан, миқдор ва сифат, таҳлил ва синтез, макон ва замон, индукция ва дедукция, мантикий таҳлил каби методологик ёндашувлардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Бизнинг таҳлилларимизга қараганда 100 минга яқин олий маълумотли дипломга эга бўлган кишилар ишсизлиги қайд этилган. 1 млн. нафарга яқин бакалавр ва магистр бир мутахассислик бўйича битириб, бутунлай бошқа қасбда ишламоқда. Буларнинг 6 йиллик ўқиган ва тўлаган контракт пули бекор кетаяпти. Ушбу ҳолат ҳам камбағалларнинг кўпайишига яна бир омил бўлиб ҳисобланади.



Кишлоқдагилар ҳам болам ўқисин деб, мол-мулкни ва сигирлару, қўйларини сотиб, контракт тўламоқда. Агар улар мақсадли ўқимаса, битирганидан кейин ишга жойлаша олмаса ушбу тўловларни қайтариш ҳам биров мураккаблашади. Бу яна камбағалликни келтириб чиқаради. Бундай таълимнинг натижаси камбағалларни янада кўпайтиради.

Шу туфайли ушбу соҳада қилиниши керак бўлган ишларимиз ҳам ҳали анчагина. Булар бизнинг фикримизча қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, мактабларда ўтиладиган фанларни замонавийлаштириш лозим, яъни керак бўлмайдиган фанларни 2 баробар соатларини қисқартириб 11 йилда IELTSни 7 балл билан чиқариш чораларини кўриш керак. Қадимдан, тил билган эл билади, деган гап бор. Бугунги глобаллашув ва интеграциялашган даврда ушбу масала янада долзарб масалалардан бирига айланди.


Иккинчидан, бугунги дунё миқёсида барча мутахассисликларга рақамлаштириш жараёнлари авж олиб турган паллада **мактабда** ўқувчиларни 11 йилда 2 та дастурий тилни мукаммал ўрганишга мажбурлаш керак. Бундай билимга эга бўлган болалар Фриланс сифатида масофадан бутун дунё мамлакатларига ишга жойлашиши мумкин. Ушбу йўл билан ўз юртида туриб интеллектуал мулкни экспорт қилиш имкониятига эга бўлади ва мамлакатни камбағалликдан чиқаришнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади.

Учинчидан, болаларни тарбиялашни ва ўқитишни боғчадан бошлаш керак. Президентимиз болаларимизни Дунёқараши 7 ёшигача шакилланади деганлар. Боғчада болаларни 3 ёшидан тилларига ўргатишни бошлаш керак. Болалар боғчадаёқ она тили билан бирга камида яна 2 та тилни бемалол гаплашадиган бўлиши лозим. Чунки ушбу ёшда болалар чет тилларни ўргатсангиз тез ўрганади ва хотирада абадий умр бўйи мухирланиб қолади. Тажриба шуни кўрсатадики, ёзишни ва ўқишни билмайдиган 1 ёшли болани англиядаги оилага жойласа, бир йилга қолмай ўзбек боласи инглиз тилида бемалол гапириб кетади. Нега боғчаларда шу моделдан фойдаланмаймиз. Ахир интернетда минг хил ёш болаларга инглиз тили ўқитиш дастурлари борку. Дунё тажрибасида Ҳиндистон вақтинча инглиз тилини иккинчи давлат тили деб эълон қилган. Натижада ривожланган давлатларда энг буюк ва бой дастурчилар ва давлат арбоблири индуслар бўлди.

Тўртинчидан, боғча ва мактаб олий таълим пойдевори (фундаменти). Агар биз педагогика мутахассислигига 20-30 балли қобилиятсиз абитуриентларни олсак (Супер контрактга бундан пасти ҳам қабул қилинмоқда), таълим сифати тушиб бошлайди (2022, 2023 ва 2024 йиллар абитуриентлар тестлар натижалари кўрсаткичларида 56,7 минимум баллдан паст олган абитуриентлар сони 50% паст бўлгани ҳам ижобий ҳолат эмас). Шунинг учун тестларда ҳар бир мутахассисликка турдош қилиб, албатта педагогика мутахассислигини кўшиш керак. Педагогнинг ойлигини каттартирсагина иқтидорли болалар шу соҳага интилади.

Шунда дипломатия ва юридик университетлари каби илғор олий ўқув юртларига кира олмаган, қобилияти 180 ва ундан кўп балл тўплаган абитуриентларни Педагогика таълимига жалб этиш механизмларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Чунки улар 56,7 баллдан паст тўплаган абитуриентларга нисбатан қобилияти билан ўқувчиларга намуна бўлади ва узлуксиз таълим тизимини сифатини ошираолади. Уларга бюджетдан стипендияларини ошириб, битирганидан кейин педагогик касбида ишлаганига минг доллардан ошиқ иш ҳақи тўласа арзийди. 30-50 балл билан ўқишга кирган педагогларга бюджетдан стипендия бериш ва минг доллар иш ҳақи тўлаш самара бермайди!

Бешинчидан, ОТМ купчилиги ўзини ўзи молиялаштириб, контракт тизимига ўтган (Мухтарам Президентимиз раҳномолиларида асосан бюджетдан ўқитиш педагогика мутахассисликларига ва қизларга катта имтиёзлар берилган). Иқтисодиёт ва



асосида - касб, малака, технология ва таълимни бирлаштирадиган ягона механизм сифатида ишлаши зарур⁴, деб таъкидлади. Энди бу масалада ҳам янгича ёндошув бўлади.

Еттинчидан, фақат тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бир томонлама қулай, чунки улар янги иш ўринларини яратади ва мос равишда бандлик масаласини бироз яхшилаш имконияти ҳам пайдо бўлади. Аммо аҳоли даромади паст бўлиб, пули бўлмаса, тадбиркор яратган инновацион товарларини улар томонидан харид қилиш бироз мураккаб бўлиб қолади. Аҳолининг бу даражадаги кам даромадлари (тепада иқтисодиёт ва молия вазирлигини рақамлари келтирилган) мамлакатимизда кенг қўламда тадбиркорликни ривожланишга ҳам катта тўсиқ бўлиб келмоқда. Натижада улар ишлаб чиққан маҳсулотларни сотиш ҳам бироз қийин бўлади. Чунки, ҳамма маҳсулотни экспорт қилишнинг ҳам имконияти бўлмайди. Таъкидлаш жоизки, кўп маҳсулотларимизнинг сифати паст ва дунё бозорида рақобатбардош эмаслиги туфайли иқтисодиётнинг ривожланиши ҳам қийинлашиб қолади.

Сақизинчидан, маълумки мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан абитуриентларнинг кириш тестларини марказлаштириб, шаффоф ва одил қилдилар. Лекин паст балл олган (20-30 балл) абитуриентлар ҳам супер контрактни тўлаб, иқтидорли студентлар билан ўқиб, бир вақтда битирмоқдалар. Ўқий олмайдиган абитуриентлар ҳам суперконтракт тўлаб ўқийдиган бўлса, уларнинг савияси юқори балл олганлар билан тенг кела олмайди. Аммо иккаласига ҳам бир хил ўқиш муддатида бир хил диплом берилмоқда. Буни ҳам тартибга солиб, биринчи босқичда суперконтракнинг ҳам қуйи чегарасини белгилаб қўйиш керак. Келажакда бундай ўқишдан умуман воз кечиш кераклигини ҳам ўйлаб кўриш лозим. Супер контракт билан кирган талабаларни алоҳида ўқитиб, уларни ҳам иқтидорини ошириб, алоҳида дарс бериш деб ўйлаймиз. Қобилияти паст талабаларни алоҳида ўқитиш ва уларнинг билимини ошириш учун ўқитувчиларга, супер контракт пулидан кўпроқ иш ҳақи тўлаш ҳам мақсадга мувофиқ.


Тўқизинчидан, мамлакатимизда хорижий ОТМ ва факультетларининг очилиши ижобий ҳолат. Аммо улар юқори кантракт билан болаларимизни ўқитиб, тегишли маблағларни конвертация қилиб, валютани олиб чиқиб кетмоқда. Шу тариқа валюта захирамизнинг бир қисми ташқарига чиқиб кетиши билан камайиб бориш эҳтимоли катта. Бу масалани ҳам жиддий ўйлаб кўриш керак.

Ўнинчидан, мактабларга ва олий таълим муассасаларига ҳам хорижий ўқитувчиларни кўплаб жалб қилинмоқда. Уларга юқори ойлик маъоши тўланади. Кўпинча хорижий ўқитувчалар Ўзбекистонга дарсларига келмай қолган пайтларда буларнинг ўрнига ўзимизнинг ўқитувчилар дарс беришади. Шу туфайли хориждан доимий ишлашга ўқитувчиларни жалб қилишдан кўра ўзимизнинг ўқитувчиларимизни хорижга бориб малака ошириб келгани маъқул, деб ўйлаймиз..

Ўнбиринчидан, олий таълимга 3-4 баробар қабул ошгани учун ва кўп яхши педагоглар хусусий университетлар ва филиалларга ўтиб кетаётгани ёки ўриндошликда кўп қўшимча фанлардан дарс бераётгани учун, таълим сифати тушиб, малакали педагоглар танқислиги айрим ўқув юртларида ошиб бормоқда. Магистратурада ўқиётган мутахассисликлардан энг иқтидорлиларини шу мутахассислик бўйича олий таълимда педагоглик қилишга ажратиб олиб, уларни янги мутахассисликларга замонавий таълим дастурлари бўйича ўқитилиш керак. Айнан шулардан замонавий энг иқтидорли педагоглар етишиб чиқади. Кейин ўзимизда дарс бекриш учун хорижлик ўқитувчиларни жалб қилишга ҳожат қолмайди.

Ўниккинчидан, Муҳтарам Президентимизни Янги Ўзбекистон учун”Халқ бой

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. 2025 йил 26 декабрь.// “Zarafshon” газетаси.25 йил 27 декабрь. – 147-148 сон.



бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади” (БМТ, 19.09.2017й) деган янги ўртага ташлади. Бу шиорлар болаларимизни мактабдан бошлаб, қобилиятини ўрганиш ва унинг қайси соҳага интилишини аниқлаб, уни айнан шу йўналиш бўйича ўқитиб, қобилиятини ривожлантириб, шунга лойиқ ишга жойлаштириш орқали ҳалол йўл билан бой бўлишни ўргатишимиз лозим. Демак, таълимда билим бериш билан бирга, энди билимни самарали ишлатиб, бой бўлишга ҳам ўргатишимиз керак. Бу одамнинг қўлидан келадиган иш. Масалан циркларда ҳар бир жониворга ўзининг қобилиятдан келиб чиқиб, уни шу йўналишда ўргатиб саҳнага чиқариб, катта пул ишлашади. Агар бола бирорта соҳани яхши кўриб шу соҳа бўйича ўқийдиган бўлса, бундай болаларни ўзларининг йўналишлари бўйича фанларни кўпайтириб, шу касбга керак бўлмайдиган фанларни қисқартириш орқали ўтиш лозим, деб ҳисолбаймиз. Нега биз мактабдан бошлаб, боланинг қобилиятига мос соҳасини ўрганиб, ушбу йўналишда ўқитиб, ривожлантириб, қобилияти бўйича ишга жойлаб, самарали ишлатиб, бой бўлишга ўргатмоқ лозим. Агар болаларимизни ёшлигидан бошлаб, қизиқиши ва шунга мос қобилиятини соҳаси бўйича аниқлаб, уни ривожлантириб, ишлатишга ўргатадиган бўлсак. Булардан анча самаа кўриш мумкин. Агар уларнинг қизиқиши ва қобилиятини инобатга олмасдан умумий тарздаги стандартлар асосида ўқитишни давом эттирсак, уларнинг қизиқиши ва иштиёқи аста секинлик билан йўқ бўлиб кетиши мумкин.

Болаларимизни қобилиятини аниқлаб, уларни амалга ошириш учун Йўл Харитасини тузиб ривожлантирсакгина таълим соҳасида Имом Бухорийлар, Ал Хоразмийлар, Берунийлар, Улуғбеклар чиқади. Инсон фақат ақлий меҳнати билан камолотга эришади. Ақлий меҳнатнинг жуда катта афзалликлари бор: Булар:

Биринчидан, ақлий меҳнат билан бир марта бирор нарса яратиб, уни миллионлаб нусхаларини сотиш мумкин. Масалан, янги иновацион технологиялар, дастурий маҳсулотлар ва бошқа янги

Иккинчидан, ақлий меҳнатни масофадан туриб Фриланс йўли билан бутун дунё бўйича бажариб, бирорта ишни амалга ошириш мумкин бўлади. Айнан ушбу йўл билан шу ерда туриб, хорижий давлатлардан катта пул ишлаб олиш мумкин бўлади.


Учинчидан, ақлий меҳнатда инсон энергияси кам сарфланади, озиқ-овқат тежалади ва соғлом умр кўриш узаяди. Чунки оғир жисмоний меҳнат кўп энергияни ва шунга мос овқатланишни ҳам талаб қилади. Кўп овқатни ҳазм қилиш учун ҳам катта энергия сарфлашга тўри келади.

Тўртинчидан, ақлий меҳнатда сув, кислород ва озиқ овқатлар асосан миёга сарфланса, жисмоний меҳнатда, улар асосан танага сарфланади. Миёга сарфланганлиги учун у ишлайди ва янги ғоялар ва инновациялар айнан шу йўл билан яратилади. Натижада замонамизнинг Ал Хоразмийлари ва Илон Маскнлари етишб чиқади.

Бешинчидан, Янги Ўзбекистон фани ва амалиётига янги атамалар, яъни “Инсон ақлий капитали” ва “Инсон ақлий меҳнат унумдорлиги” кабиларни киритиш зарур. Чунки шу йўл билан кескин ўзгаришлар рўй беради. Маълумки, жисмоний меҳнат ўлчовлари кг, литр, метр,...кабиларни ташкил қилади. Ақлий меҳнатда, буларнинг ўрнига 1 млн. аҳолига қанча инновацион ғоялар ва инновациялар, стартаплар, янги дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқилганлиги эътироф этилади.

Олтинчидан, илмий ишнинг мааааахсулотлари нуфузли журналларда мақолалар ва бир йилда ишлаб чиқилганини патентларнинг статистик таҳлилини ҳар бир бошқарув поғонасида олиб бариш лозим бўлади. Ақлий меҳнат жисмоний меҳнатга нисбатан бир вақт давомида 30, 40 карра кўп самара беради. Айрим ҳолларда бунданда кўп натижаларга эришиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, таълим сифати ошириш эвазига Янги Ўзбекистоннинг



тараққиёт стратегиясини бажаришда муҳим омиллардан бири ҳисобланади.